



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 февраль кuni
Жиззах вилоятининг инвестиция лойиҳалари
тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбарига мазкур вилоятда жорий йилда амалга ошириладиган 515 та лойиҳа ҳақида маълумот берилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 35 триллион 500 миллиард сўм. Уларнинг натижасида йилига 25 триллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга янги корхоналар, қарийб 23 минг иш ўрни ташкил этилади. 264 миллион долларлик импорт ўрнини босиш ҳамда 311 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Жиззах вилоятда қурилиш материаллари, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқлари катта салоҳиятга эга. Лойиҳаларни шакллантиришда ушбу соҳалар “драйвер” сифатида белгилаб олинган.

Масалан, қурилиш материаллари саноатида 8 та лойиҳа режалаштирилган. Улардан бири — базальт толаси ва ундан турли материаллар ишлаб чиқаришга қаратилган. 723 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа учун бугунги кунда ер ажратилган. Корхона шу йил учинчи чорақда ишга туширилиб, 205 та иш ўрни очилиши мўлжалланган.

Шунингдек, юқори маркали цемент, бетон плиталар, арматуралар, геосеткалар ишлаб чиқариш бўйича ҳам истиқболли лойиҳалар бор.

Автомобиль саноатида ҳам лойиҳалар кўзда тутилган. Масалан, микроавтобус, тижорат ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа ички бозор учун фоят зарур. Бу корхона жорий йил якунида фойдаланишга топширилиб, 500 киши иш билан таъминланиши режалаштирилган.

Жиззах шаҳрида ташкил этиладиган тўқувчилик мажмуаси маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, хотин-қизлар бандлигини оширишда муҳим ўрин тутати. 39 миллион долларлик мазкур корхона қурилиши бу йил ёзда бошланиб, келгуси йил ишга туширилади.

Тоғли ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаб, экспорт қилиш давлатимиз раҳбари кўрсатиб берган улкан имкониятлардан бири. Бугунги кунда мамлакатимизда шу соҳага ихтисослашган 7 та кластер фаолият юритмоқда. Хусусан, “BMB Trade Group” кластери томонидан Бахмал туманида заъфарон етиштириш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. 30 миллион доллардан зиёд қийматдаги ушбу лойиҳа натижасида 200 киши ишли бўлади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида чорвачилик, паррандачилик, гўшт ва сутни қайта ишлаш, ипак мато ишлаб чиқариш каби бир нечта лойиҳалар мўлжалланган.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг салоҳияти бундан анча катта эканини, қўлаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Тўқимачиликда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги ўзлаштирилаётган ерларда талаб юқори мева-сабзавотлар етиштириб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ерости маъданларини ўзлаштиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ ЖАВОҲИРЛАРИ



**Акмал САИДОВ,
академик**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистонни бунёд этиш ғоясини илгари сурар экан, ушбу буюк мақсадга эришиш учун, аввало, илм-фанни ривожлантириш, замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллаш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга ахборот технологияларини жорий қилиш, дунёда инсон тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган барча илгор ғояларни ўзлаштиришдек прагматик сиёсатни амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўқиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳамда 2020 йил сентябрь ойда Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасида мамлакатимизда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ташаббусини илгари сурди. Маърузаларда донишманд халқимиз тарихда икки Ренессансни бошидан ўтказгани алоҳида таҳлил қилиниб, миллатимизнинг жаҳондаги энг илгор, тараққий этган халқлар қаторида



Халми йўлдошдан олган сурат.

бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлаши эътироф этилди.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасида: **“Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чуққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башариёт яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бой-тишга бағишлаганлар...”**

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”, деган муҳим вазифа қўйилди.

Юқоридаги ҳаётбахш ғояларда жаҳоншумул мазмун ва моҳият, тарихий асос ётибди. Негаки, халқимиз ўз ўтмишида иккита Ренессанс шукӯҳини вужудидан ўтказган. **Биринчиси — Шарқ уйғониш даври** деб аталадиган ва инсоният цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган IX-XII асрлар Ренессанси, **Иккинчиси — Темурийлар Ренессанси** — XIV-XV асрларда дунё илм-фани, санъати, маданияти, иқтисодиёт, давлатчилик тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк ўзгаришлар даври. Бу икки даврда даҳо аждодларимиз қадимги тафаккур ва илм таъсир доирасида бўлган жаҳон цивилизациясини дадил қадамлар билан олдинга бошладилар.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ САЙЛОВЛАР

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ: сайлов ҳуқуқининг янги кафолатлари



**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” эзгу ғояси атрофида бирлашиб, юксак мақсад — демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида собитқадамлик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Мазкур масъулиятли жараёнда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтироф этилган халқаро демократик стандартларга уйғунлаштириш орқали фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини янада кенгроқ ва тўлароқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу, сайлов бўйича экспертлар, жумладан, халқаро экспертлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг сайловларимизни кузатиб борган миссиялари ҳам кенг эътироф этган ҳақиқатдир. Улар сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ва амалиётини рўёбга чиқарилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида сўз юритар экан, ушбу йўналишда тизимли равишда

амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самараларини энг муҳим муваффақиятлар қаторида қайд этмоқда.

Янги имкониятлар

Шиддат билан ўзгараётган дунё эришляётган муваффақиятлардан хотир-жамликка берилишни эмас, тақомил ва тараққиёт сари муттасил ва дадил интилишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида парламента ва маҳаллий кенашларга илк бор ўтказилган сайловлар жараёнида орттирилган тажриба миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини айрим бўлиқлар ҳамда ечимини кутаётган вазифалар мавжудлигини кўрсатди.

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**фаолият самарадорлигига
хизмат қилади**



**Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички
ишлар вазири,
генерал-лейтенант**

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ички ишлар вазирлиги тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Пировардида, вазирлик, том маънода, халқчил тузилмага айланди. Ўз навбатида, тизим фаолиятини янада жонлантириш, ислохотларга ҳамоҳанг руҳда шакллантириш борасида олдимизда муайян вазифалар турибди.

Президентимизнинг 12 февраль кuni Ички ишлар вазирлигига таширифи ва илк бор вазирлик ҳайъатининг кенгай-тирилган йиғилишида иштирок этиши барча ҳамкасбларимизга билдирилган ишонч ифодаси бўлиб, зиммамизга жуда катта масъулият юклайди, хизмат

фаолиятимизда янги саҳифа очиб, туб бурилиш ясади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида тизимда амалга оширилаётган ишларни чуқур танқидий таҳлил қилиб, мамлакатимизда тинчлик-хавфсизликни таъминлаш бўйича энг долзарб ва муҳим масалаларга тўхталиб ўтди.

Утган 4 йилда бевосита ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ 180 та қонун, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Бу билан ички ишлар органларида ҳар бир соҳавий хизмат тубдан такомиллаштирилди.

Ички ишлар органлари тузилмаси ҳамда куч-воситаларнинг тақсимланиши қайта қўриб чиқилиб, энг олис қишлоқларда ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида 85 фойизгача шахсий таркиб қўйи тизимга туширилди. Бунинг учун 314 та янги ички ишлар бўлинимаси ташкил этилди.

Тизимда кадрлар салоҳиятини ошириш, янгилликка интилувчан ва замонавий фикрлайдиган ходимларни соҳага тайёрлаш мақсадида “Темурибеклар мактаби” ва ихтисослашган мактаб-интернат ҳамда барча ҳудудларда академик лицейлар иш бошлади. Ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, хавфсиз туризмни таъминлаш, проба-ция, кибержониятчиликка қарши курашишга ихтисослашган янги бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди.

Қатор хориж мамлакатлари билан илмий таҳриба алмашилиб, 40 га яқин давлатлар иштирокида мувофиқлаштирувчи кенашлар тузилди, икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилди.

Тизимнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланди. Хусусан, замонавий махсус техникалар, компьютер, алоқа ва транспорт воситалари олиниб, янги маъмурий бинолар қурилди. Ходимларнинг хизмат қилиши учун қулай шароитлар яратилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди.

▶ Давоми 3-бетда

Конгрессмен ТРЕНТ КЕЛЛИ:

“Ўзбекистон аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлари билан кўплаб давлатларга намуна бўлмоқда”



Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчиси Жавлон Ваҳобов АҚШ Конгресси Вакиллар палатасидаги “Ўзбекистон бўйича кокус” ҳамраиси, Миссисипи штатидан сайланган конгрессмен Трент Келли билан музокаралар ўтказди.

Онлайн-мулоқотда Ўзбекистон — Америка парламентлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Конгрессмен Ўзбекистонни яқинлашиб келаётган республика мустақиллигининг 30 йиллик санаси, шунингдек, АҚШ томонидан Ўзбекистон давлат мустақиллиги

тан олинганининг 30 йиллиги билан кутлади. “Жорий йил Ўзбекистоннинг замонавий тарихидаги ушбу муҳим воқеа кенг нишонланади ва АҚШ минтақадаги энг яқин шеригининг ўз суверенитетини қўлга киритган санасини биргаликда нишонлашдан чин дилдан мамнун”, — деди Трент Келли.

“Президент Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда мамлакатни тубдан ўзгартириб юборди ва халқаро майдондаги обрўсини сезиларли даражада юксалтирди”, — деб таъкидлади у.

▶ Давоми 2-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ САЙЛОВЛАР



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 8 февраль кuni "Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг имзоланиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгрок таъминлашдек эзгу мақсадлар йўлида муҳим омил бўлади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ушбу қонун лойиҳаси концепциясининг ишлаб чиқилишидан то парламент қуйи палатасида қонун лойиҳаси сифатида жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши ва Олий Мажлисида қабул қилинишигача бўлган улкан жараён амалга оширилди. Бу жараён давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва халқчиллигининг, юртимизда сўз эркинлиги ва ошқораликни таъминлаш борасида собитқадамлик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самараларнинг яна бир ёрқин тасдиғига айланди.

Бу йил давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрь кuni Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида: "Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқро демократик таъминлаш асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим", деб таъкидланди.

Бунда ўтган сайловларда халқро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттириш муҳим вазифалардан биридир.

Изчил ишларнинг юксак самаралари

Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловга тайёрлаган ишлари пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитга қарамаздан, жадал бошлаб юборилди ва изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчилар вакиллари, сайлов ташкилотчилари ва маҳаллий раҳбарлар иштирокида 2019 йилги сайловларнинг натижалари ва ҳулосаларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди. Халқро ва маҳаллий экспертлар ҳозирлигида онлайн муҳокамалар йўлга қўйилди. Уларда маҳаллий ва халқро кузатувчилар, хусусан, ЕХТН Инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тўлақонли Миссияси томонидан билдирилган тавсияларни миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётга татбиқ этишга оид масалалар чуқур таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. "Сайлов—2019: ютуқлар, муаммолар, тақлифлар" ахборотномаси ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Ушбу тўпلامдан кўплаб тақлифлар жой олди. Сайловларни янада самарали ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва электроник маданиятини янада юксалтириш, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ролини ошириш каби масалалар, шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ: сайлов ҳуқуқининг янги кафолатлари



Бир сўз замиридаги эъзоз

Шу ўринда қонун лойиҳасидаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказиш вақтини ўзгариштиришга оид тақлиф, кўпчилигининг эътиборини тортганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Сирасини айтганда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти кенгашлари депутати, Сенат аъзоси ва Сенат Раисининг ўринбосари эканлигида, сайлов жараёнларининг кўп йиллик бевосита иштирокчиси сифатида оддий сайловчилардан то сайлов ташкилотчиларига маҳаллий раҳбарларгача — кўплаб фуқароларнинг сайловларни ўтказишни илқ қўнғаларга кўчириб борасида билдирган жўяли истак ва тақлифларига ўзим ҳам ғувоҳ бўлганман. Бироқ сайловларни йил охирида ўтказиш билан боғлиқ эски анъанани ўзгариштиришга ўз вақтида на ҳафсала, на кунт қилинган бор гап.

Кўпчилигининг фикрича, сайловларнинг ҳаётрон қиш — декабрь ойидан кўра, очик-сочик, илик ойда ўтказилиши ҳар томонлама — сайловчилар, сайловчилар учун ҳам, сайловларни ташкил этувчилар учун, сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш учун ҳам жуда қўлай.

Сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий кузатувчилар ва депутатлар сайлов қонунчилигида киритилган бу муҳим янгиллиқни қатта қувонч билан қўтиб олганига шубҳа қилмасе бўлади. Зеро, сайловларнинг айни ҳаётрон қиш мавсумига тўғри келиши фуқароларнинг сайловлардаги фаоллиги, сайловолди ташвиқоти тadbирларини кенг қамровда ўтказишга, айниқса, оммавий тadbирларни ташкил этишга салбий таъсир этиб келаётгани сир эмас.

Қолаверса, сайловлар натижасида конституциявий қондалар ва халқро сайлов стандартларига биноан, Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланади. Барча даражадаги ижро ҳокимияти қайтадан шакллантирилади. Булардан ташқари, янги йил байрами, йил якунлари ва сарҳисоби, келгуси йил режалари, дастурлари билан боғлиқ ғоят муҳим жараёнлар бор.

Бундай сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар муайян вақт ва меҳнат талаб қилиши табиий. Президентимиз 8 февраль кuni имзолаган янги қонун бўйича сайлов қонунчилигида киритилган ўзгаришлар билан биноан, энди Президентликка сайлов, Олий Мажлисининг Қонунчилик

палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — октябр ойи учинчи ўн қўнлигининг биринчи яшанбасида ўтказилиши белгиланди. Таъкидлаганимиздек, бундай сайловлар илгари декабрь ойда ўтказилар эди.

Бир қарашда мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасидаги битта сўз — "декабр"ни "октябр"га алмаштириб қўйиш жўн ва осон ишдек туюлади. Лекин неча ўн йиллардан бўён амал қилиб келаётган бу мuddатни ўзгариштиришдек хайрли иш бугўн, Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилганида буюк бир ҳикмат — халқ фикрига ва манфаатларига ҳурмат-эҳтиром мужассам. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари томонидан номи қайд этилган қонуннинг имзоланиши халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнидаги улкан эъзоз ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тақомил ва тараққиёт

Сайлов кодексининг тегишли моддаларига киритилган ўзгаришларга кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар (халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши бундан мустасно) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузиш амалиётидан воз кечилди. Сабаби, бу усул ўзини оқламади. Бундай округлар комиссиялари ҳудуддаги участка сайлов комиссиялари сони, мутахасссларнинг маълумотларига қараганда, учтадан ошмасди. Муқояса учун: Парламент депутатлари сайланадиган округларнинг ҳар бирига юзтагача участка сайлов комиссияси тўғри келади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига сайлов ўтказуви округ сайлов комиссияларининг оптималлаштирилиши натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 739 та округ сайлов комиссияси энди тузилмади. Бундай мақбуллаштириш ортиқча вақт, меҳнат ва инсон ресурсларини жалб қилиш ташвишига чек қўйиш билан бирга, маълумотларга қараганда, давлат бюджетининг 33 миллиард сўмдан ортик маблагини тежаш имконини ҳам беради.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига сайлов ўтказуви округ сайлов комиссиялари институти тугатилиши ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши муносабати билан туман,

ЎТГАН
САЙЛОВДА ЭСА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
38 МАМЛАКАТДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
55 ТА САЙЛОВ
УЧАСТКАСИДА ЧЕТ
ЭЛДА ВАҚТИНЧА
ЎКИ ДОИМИЙ
ЯШАЁТГАН
112 411 НАФАР
САЙЛОВЧИМИЗ
ОВОЗ БЕРДИ.
ФУҚАРОЛИМИЗ
ХОРИЖДА ЗИЧ
ЯШАЙДИГАН
ЖОЙЛАРДА КЎЧМА
САЙЛОВ ҚУТИЛАРИ
ОРҚАЛИ 89 807
НАФАР САЙЛОВЧИ
МУДДАТИДАН
ОЛДИН ОВОЗ
БЕРИШИ ТАШКИЛ
ҚИЛИНДИ.

шаҳар сайлов комиссиялари таркиби 21 нафар аъзогача кенгайтирилди.

Янги қонунга биноан, Сайлов кодексига киритилган қатор ўзгаришлардан яна бири 23-моддага, яъни участка сайлов комиссиясини тузишга тааллуқли. Маълумки, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганда тузилади.

2019 йили ўтказилган сайловлар жараёнида мазкур йўналишда сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш билан боғлиқ бўлиш мавжудлиги маълум бўлди. Сайлов кодексининг 25-моддасида "участка сайлов комиссияси аъзоларининг яримдан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас", деб алоҳида қайд этилган. Бу таъкидлан мақсад — сайлов жараёнида суимстеъмоглик, таниш-билишчилик каби қонун бўзиллиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш. Аммо шифохоналар, дам олиш уйлари, харбий қисмлар, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари каби муассасаларда, уларнинг қатъий ички тартиб-қондалари талабларидан келиб чиққанда, сайлов участкаси аъзоларини бундай тартибда тузиш қийин.

Шуларни эътиборга олиб, янги қонунга биноан, Сайлов кодексининг мазкур моддаси учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: "Участка сайлов комиссияси аъзоларининг яримдан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, харбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамонда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно".

Хорижда овоз бериш

Давлатимиз раҳбари узокни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири Ўзбекистон фуқароларининг қаерда яшаб турганидан қатъи назар, давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган.

2019 йилдаги сайловларда хорижда истиқомат қилиб турган сайлов ёшидаги барча ватандошларимиз учун илк бор овоз бериш имконияти яратилгани ана шундай юксак эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлди. Таъкидлаш ўринлики, авваллари бундай сиёсий тadbирларда фақат консуллик ваколатхоналаридан

расман рўйхатдан ўтган ўзбекистонликлар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган. Утган сайловда эса Ўзбекистоннинг 38 мамлакатда ташкил этилган 55 та сайлов участкасида чет элда вақтинча ўки доимий яшаётган 112 411 нафар сайловчимиз овоз берди. Фуқароларимиз хорижда зич яшайдиган жойларда кўчма сайлов қутилари орқали 89 807 нафар сайловчи мuddатидан олдин овоз бериши ташкил қилинди.

Сайлов кодексининг чет давлатларда истиқомат қилиб турган Ўзбекистон фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ўки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатида киритиш тартиби, хорижий мамлакатларда сайловчилар яшаётган ўки ишлаётган жойида кўчма қутилар орқали овоз беришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилиши белгилаб қўйилди.

Тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда яшаб турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Хорижда яшаб турган фуқаролар ўзларини сайловчилар рўйхатида киритиш тўғрисида сайловдан 15 кун олдин ёзма шаклда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига ўки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда яшаб турган фуқароларнинг уларни сайловчилар рўйхатида киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текширади ва фуқарони сайловчилар рўйхатида киритиш ҳақидаги масалани хал қилади. Сайловчилар рўйхатида киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ташқи ишлар вазирлиги сайловчилар рўйхатида киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади.

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов кuni ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилишининг Сайлов кодексига аниқ белгилаб қўйилиши ҳам хорижда яшаб турган сайловчилар учун яратилган яна бир қўлайлиқдир.

Ҳисобини билган адашмайди

Сайлов қонунчилигида сайлов комиссиялари зиммасидаги номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифанинг чиқариб ташланиши, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланишнинг тақилланиши, сайлов натижаларини эълон қилиш мuddатлари асосиди чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят мuddати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилишига оид янги нормаларнинг киритилгани сайловларни очик-ошкоро, шаффоф ва мустиқлилик тамоийларини асосида ўтказишга хизмат қилади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг молиявий шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралик ва сайловдан сўн якуний молиявий ҳисоботларни ҳамда Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилди.

Бундай ҳисобдорлик сайлов кампанияси учун сиёсий партияларга ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлашга хизмат қилади. Сиёсий партиялар раҳбарияти ва масъул шахслари томонидан ушбу ресурслар нотўғри ишлатилишига барҳам беради.

Улкан вазифаларнинг залвори

"Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида Марказий сайлов комиссияси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли вазирлик, идора, илмий муассасалар ва олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда аҳолининг электронал маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ишлар жадал бошлаб юборилди. Бу борадаги ҳамкорларимиз сафида Ўзбекистон Миллий телеадиокмпаниyasi, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, вақтли мабуот, интернет нашрларнинг журналистлари ва блогерлар борки, уларнинг бизга кўрсатаётган ёрдами ва бу ишдаги фаоллиги учун миннатдоримиз.

Тарғибот ва ташвиқот ишлари жараёнида Президент сайловида тайёрларик қўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни тўғрисида хабардор қилиш, овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб-тамоийларни кенг тушунтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда тарғиботнинг барча илгор технологияларидан, жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, онлайн мулоқотлар, интервьюлар, конференциялар, тренинглар, ўқув дарслари, танловлар, викториналар ўтказиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, интернетдаги ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш назарда тутилган.

Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда сайлов комиссиялари аъзоларини сайлов қонунчилиги ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиши бўйича операцияларни тўрт босқичда ўқитиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Бундай тadbирларнинг барчаси пировард натижада сайлов жараёнлари очик ва ошкоро ўтишини, мамлакатимизнинг халқро демократия индексидида кўрсаткичлари янада яхшиланишини таъминлаш, аҳолининг Президент сайловига фаол иштирок этиши ва юртимиз тақдирини учун дахлдорлик туйғусини қучайтиришга хизмат қилади.

Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, сайловларда ошқоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, ҳолислик ва мустиқлилик каби умумэтироф этган демократик принципларнинг янада мустиҳамланишида муҳим омил бўлади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Конгрессмен ТРЕНТ КЕЛЛИ:

“Ўзбекистон аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлари билан кўплаб давлатларга намуна бўлмоқда”

Бошланиши 1-бетда

Конгрессменнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлари билан кўплаб давлатларга намуна бўлмоқда.

Ўзбекистон элчихонаси маълумотиға кўра, Трент Келли 2021 йилнинг иккинчи

ярмида Америка қонун чиқарувчилари делегациясининг республикамизга ташрифини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда. Трент Келли Конгресс аъзоларини жорий йил кузда мамлакатимизга ташриф буюришга фаол равишда ундашини айтди.

Конгрессмен, шунингдек, март ойида Олий Мажлис вакиллари ва Америка қонун чиқарувчилари иштирокида "Ўзбекистон бўйича кокус"нинг иккинчи йиғилишини ташкил этишга кўмаклашишга тайёрлигини билдирди. Унинг сўзларига кўра, ушбу тadbир АҚШ Конгрессига Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларнинг натижалари, шунингдек, ўзаро ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати

ва истиқболлари тўғрисида батафсил маълумот бериш имкониятини тақдим қилади.

Конгрессмен билан учрашув якунлари бўйича Ўзбекистон — Америка кун тартибидидаги долзарб масалалар, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик бўйича доимий алоқаларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

Эслатиб ўтамай, конгрессмен Трент Келли — АҚШ Конгресси Вакиллар палатасига Республикачилар

партиясидан сайланган, "Ўзбекистон бўйича кокус"нинг ҳамраиси. 2017 йилда АҚШ Конгресси аъзоларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этиш амалиётини қайта тиклаш ташаббуси билан чиққан. 2017 йил ноябрь ойда у бир гуруҳ америкалик конгрессменларнинг республикага амалий сафарини уюштирган. Кейинчалик у Ўзбекистонга яна икки марта — 2018 йил сентябрь ойда Миссисипи Миллий гвардиясининг генерали сифатида ва ўша йилнинг

ноябрь ойда Конгресс делегациясининг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифининг ташкилотчиси сифатида ташриф буюрган.

Трент Келли 2018 йил май ойда Президент Шавкат Мирзиёев билан Капитолий биносидида бўлиб ўтган учрашувда бир гуруҳ америкалик қонун чиқарувчиларга бошчилик қилган. У Конгрессда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари тарихида биринчи бўлиб "Ўзбекистон бўйича кокус"ни ташкил этиш ташаббуси билан чиққан. Ушбу тузилма 2018 йил август ойда АҚШ Вакиллар палатасида расмий рўйхатдан ўтган ва 2019 йил февраль ойда элчихона биносидида унинг биринчи йиғилиши ташкил этилган.

2019 йилда АҚШ Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлига Ўзбекистоннинг юксак давлат муқофоти — "Дўстлик" ордени топширилган.

"Дунё" АА
Вашингтон

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ ЖАВОҲИРЛАРИ



Бошланиши 1-бетда

Шу боис, халқимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш учун даъвогар бўлишга ҳар томонлама ҳақлидир.

Инсоният тафаккури тарихи тўлқинланиб ётган чексиз уммонга ўхшайди. Унинг туби ҳам, поёни ҳам кўз илғамас манзилларга бориб туташади. Тафаккур маҳсули бўлган ва инсоният тамаддунини таъминлаган билимлар, кашфиётлар тарих қатламларида қўйма оптиндек қат-қат бўлиб, қурраи замнинг ўтмишини ҳам, келажagini ҳам зебу зийнатга, маъною мазмунга тўлдириб турибди. Бу билимларни чуқур ўзлаштирмай туриб, илм-фаннинг ҳали инсониятга маълум бўлмаган янги босқичига қадам қўйиш мумкин эмас. Бу мақсадга эришиш учун Ватанимизга минглаб иқтидорлар, қилни қирқ ёрадиган зукко олимлар, муҳандис-технологлар керак бўлади. Уларни тарбиялаб вояга етказиш учун эса катта меҳнат, молиявий қувват зарур.

Халқимиз азалдан **Комил Инсон** рутбасига, илму нужумга интилиб келган. Донишманд миллатлигимиз одамдод яратган билимларни катта иштиёқ билан ўрганибгина қолмай, уни ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшиб келган ва бугунги кунда ҳам ушбу билимларга чанқоқлик сусайгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг Президент мактаблари, иқтидорли ёшлар учун алоҳида ихтисослашган мактаб ва лицейлар барпо қилиш борасидаги сиёсати, қанча молиявий қийинчиликлар бўлмасин, амалга оширилаётган ишлар ана шу чанқоқликни рағбатлантириш, ёшлар билим ва илм чўққиларини кенг ва чуқур эгаллаш, иқтидорини намоён қилишига шарт-шароит яратиб беришга қаратилгани билан ниҳоятда қадрлидир.

Иқтидорли ёшларимиз дунёда рақобатга қирша оладиган даражада билим олишлари ва ундан ҳам ўзиб кетишлари учун замонавий бинолар қурилиб, улар энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда. Аммо Президентимиз ушбу йўналишдаги суҳбат ва маърузаларда ҳар доим “Мана, замонавий биноларни қурдик, иқтидорли ёшларимизни бу муассасаларга жалб қилаямиз. Аммо унинг мазмунини нима билан тўлдирамиз”, деган ҳақли саволни ўртага қўяди.

Давлат раҳбарининг миллат келажига қаратилган ушбу талабини бажаришга ҳисса қўиш мақсадида бир гуруҳ олимлар билан ҳамкорликда, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси молиявий кўмағида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улғубек жамғармаси иштирокида ўзига хос ташаббус бошланди. Унга асосан, жаҳон тарихида инсоният яратган энг буюк кашфиётлар, фан йўналишидан қатъи назар, илм чўққиларини ўзида мужассам этган нодир асарларни йиғиш, уларни инглиз, рус, француз, немис, хитой, форс, япон, ҳинд ва бошқа тиллардан ўзбек тилига ўғириб, халқимизга, айниқса, ўсиб келаётган, Учинчи Ренессансга пойдевор қўядиган ва келажакда уни яратадиган ёшларимизга тортиқ этишга қарор қилинди.

Бугунги тараққиёт даражасига етган инсоният тафаккури минг йиллар давомида қадамма-қадам шаклланган. Бунда тарихнинг муайян даврларида ҳукм сурган цивилизациялар ва шу даврларда яшаб, фан, техника, дин, фалсафа, адабиёт ва санъат соҳасида ижод қилган, инсон тафаккурини бойитишда улкан ҳисса бўлиб қўшилган кашфиётлар муаллифларининг ўрни беқиёсдир. Аммо уларнинг ёшларимиз томонидан ўқиб-ўрганилиши, ўзлаштирилишида иккита тўсик бор. **Биринчиси**, бу асарларни танлаш ва топиш, соҳалар бўйича яратилган асарларнинг энг буюқлари қайсилари эканини адашмас билгилаб олиш. **Иккинчиси** эса тил, баён ва тафаккур тарзининг ёшлар чуқур ўзлаштириб олиши учун анчайин мураккаблиги. Ана шу тўсикларни бартараф этишни олимларимиз ва юқорида санаб ўтилган ташкилотлар ўз зиммасига олади.

Бу хайрли ишларни кенг қўламда ташкил қилиш учун илм-фаннинг турли соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида олимлар, таржимонлар гуруҳлари ташкил қилинди. Улар томонидан танлаб олинган асарлар нодир асарлар жамланмасига киритилади ва ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилади. Дунё

Бу хайрли ишларни кенг қўламда ташкил қилиш учун илм-фаннинг турли соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида олимлар, таржимонлар гуруҳлари ташкил қилинди. Улар томонидан танлаб олинган асарлар нодир асарлар жамланмасига киритилади ва ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилади. Дунё цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган буюк кашфиётлар, нодир асарларнинг бўлажак туркум жамланмаси “Инсоният тафаккури жаҳоҳирлари” деб номланди.

цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган буюк кашфиётлар, нодир асарларнинг бўлажак туркум жамланмаси “Инсоният тафаккури жаҳоҳирлари” деб номланди.

Ушбу кўп жилдли жамланминг диққатга сазовор жихати шундаки, инсоният тарихида ер юзининг бирор минтақасида, на Европада, на Америкада Хитой, Ҳиндистон ва бошқа халқлар томонидан дунёнинг энг юксак билимларини ўзида жамлаган бундай нодир асарлар тўплами йиғилиб, нашр этилмаган. Тўғри, дунё китобатчилиги тарихида жаҳон адабиёти, ҳар бир халқнинг миллий классик ва замонавий адабиёти кўп жилдлиқ асарлар тўпламлари нашр этилган. Бирок катта мамуният билан айтишга ҳақлимизки, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Ренессансга пойдевор яратиш борасидаги ташаббуси доирасида дунё илм-фанининг барча соҳаларидаги нодир асарларни ўзида камраб оладиган бундай кўп жилдлиқни нашр қилишга жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистонда киришилди.

Ушбу жамланма инсон цивилизациясининг энг қадимги даврларидан бошлаб буюк тафаккур маҳсулларини ўз ичига олаётгани билан қадрлидир. Жумладан, қадимги Шумер цивилизацияси, Шарқ, Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой фалсафаларидан тортиб, кейинги эрларда яратилган энг нодир илмий ва бадиий асарлар ўз даври, асрига



МУНОСАБАТ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

фаолият самарадорлигига хизмат қилади

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган эътибор самарасида жиноятчиликни жиловлash борасида ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари янги босқичга кўтарилди. Худудларда республика даражасидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар, миллий гвардия, суд ва прокуратура органлари раҳбарларининг биргаликдаги сайёр йиғилишлари ўтказилиши, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаштириш яхши анъанага айланди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида аҳоли сони 2 миллиондан ортиқча қўпайган бўлса, ҳамкорликдаги ишлар натижасида шу давр мобайнида жиноятлар сони деярли 12 минггача камайди.

Агар 2017 йилда маҳаллаларнинг 13 фоизидан биронта ҳам жиноят содир этилмаган бўлса, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ишларнинг йўлга қўйилиши ва самарали ҳамкорлик натижасида 2020 йилга келиб, жиноят қайд этилмаган маҳаллалар сони 50 фоизга етди.

Илгари жиноятчилик қўрсаткичи аввалги йил билан солиштирилиб, жиноят сони ошди ёки камайди, деб рақамлар орқали вазиятга баҳо бериларди. Ҳозир жиноятчиликка қарши курашишда рақам ортидан қувишга эмас,

балки жиноятчиликнинг асл сабаблари бартараф этиш орқали фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Лекин тизимда бир қатор муаммолар масалалар сақланиб қолаётгани ҳам Президентимиз эътиборидан четда қолмади. Бу жиҳатлар вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида танқидий-таҳлил асосида муҳокама қилинди ва олдимизда турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Энг аввало, бундан буюн иш услубимиз ва натижаларимиз “маҳаллабай” тизимида амалга оширилиши бўйича аниқ топшириқлар берилди. Эндликда жиноятлар республика ёки вилоятлар даражасида эмас, “маҳаллабай” тарзда таҳлил қилинади.

Маҳалла, туман ва шаҳарлар кримноген вазиятдан келиб чиқиб “қизил”, “сарик”, “ашил” тоифага бўлинади ва маҳалладаги жиноят ўчоқлари аниқланади ҳамда уларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилиниб, шу йўналишда аниқ, мақсадли ишлар олиб борилади.

Энг кўп жиноятлар содир этилган маҳаллаларда қўшимча профилактика инспекторлари, тезкор вакил, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларидан иборат алоҳида ички ишлар бўлиналари ташкил этилади. Кримноген вазият мураккаб маҳаллаларга куч-воситалар қайта

тақсимланиб, бевосита “жиноят ўчоқлари” бартараф этиб борилади.

Таҳлилларга кўра, аксарият жиноятлар оилалардаги ижтимоий-маиший муаммолар ва ўзаро низоли масалалар ўз вақтида ечимини топмагани туфайли содир этилмоқда. Бироқ бугунги кунда эътибор қаратишимиз лозим бўлган аҳоли қатлами билан жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ягона ахборот алмашинув тизими мавжуд эмас.

Келгусида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” негизда маҳаллалар кесимида аниқ маълумотлар базаси яратилади. Бу эса ҳар бир муаммолар шахс билан яқна тартибда манзилли ишлаш имконини беради ва ўз-ўзиндан жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, низоли шахсларни яраштириш, аёлларга маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, ишсизлар бандлигини таъминлаш, яъни муаммога қараб манзилли ишлаш тизими таъминланади.

Йиғилишда Президентимиз жиноятчиликни жиловлash борасида ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорликдаги ишлари самарадорлигини янада ошириш, бу соҳада ягона марказлашган тизимни жорий этиш мақсадида “2021-2023 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш концепцияси”ни ишлаб чиқиш топширини берди.

қараб, хронологик тарзда жилд-жилд қилиб шакллантирилади.

Шарқ фалсафаси ва аниқ фанларнинг буюк намояндалари — Форобий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Ғазолий ва бошқаларнинг асарлари жамланмага киритилади. Қадимги юнон фалсафаси намояндалари — Гераклит, Пифагор, Сукрот, Платон, Аристотель, Демокрит, Гегель, Афлотун, Эпикур, Кант, Фихте, Шиллинг, Ницше, Фейербах сингари буюк сиймоларнинг асарларини ўзбек тилида ўқиш имконияти яратилади.

Адабиёт соҳасидаги асарлар ер шарининг минтақалари кесимида қамраб олинади. **Шарқ адабиёти** — “Авесто”дан тортиб, Урхун-Енисей ёзувлари, Шарқ уйғониш даври, илк ва ўрта асрларнинг кейинги даври адабиёти намояндалари. **Европа адабиёти** — Шекспир, Гёте, Байрон, Мопассан, Роллан, Марк Твен ва бошқалар. **Америка адабиёти** — Жек Лондон, Теодор Драйзер, Гарсия Маркес ва бошқалар. **Рус адабиёти** — Пушкин, Лермонтов, Толстой, Достоевский, Есенин ва бошқалар. Қирғиз адабиётидан “Манас” ва Чингиз Айтматов. Қозоқ (Абай), тожик (Рудакий) ва бошқа халқлар адабиёти вакиллари. Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Араб давлатлари, Эрон, Туркия адабиёти вакиллари жамланган.

Илм-фан йўналиши бўйича: физика, кимё, астрономия, математика ва бошқа фанлар соҳасида яратилган энг буюк кашфиётлар, буюк олимлар асарларининг оригиналлари таржима қилиниб, нашр этилади.

Санъат соҳасида — дунёдаги энг машҳур мусика асарлари, мусаввирлик полотнолари, картиналар, ҳайкаллар, буюк меъморлик намуналарининг расмларидан иборат китоб-альбомлар чоп этилади. Масалан, Бах, Бетховен, Моцарт, Бехзод, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рембрандт ва бошқалар.

Юқоридагилар шунчаки режалар эмас, чунки нодир асарлар жамланмасининг биринчи жилди — “**Қадимги Шарқ цивилизацияларидан ёдгорликлар**” китоби Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улғубек жамғармаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган “Таълим” нашриётида нашрдан чиқди.

Инсоният тарихининг бизгача етиб келган буюк кашфиётларини ўрганиш, уларни тўплаш, ўзбек тилига таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда академик О.Салимов бошчилигидаги М.Махмудов, Ҳ.Болтабоев, Ш.Эргашев каби таниқли олимлар, А.Файзулло, М.Сафаров, Т.Қаҳҳор сингари ижодкор ва таржимонлар фидойилик намунасини кўрсатди.

Жамланманинг биринчи жилдида инсон цивилизациясининг 5-6 минг йиллик тарихга эга бўлган буюк кашфиётлари, инсоният тараққиётига хизмат қилган илк тафаккур маҳсулотларининг юксак намуналари киритилди. Мазкур жилддан қадимги Яқин Шарқ, Шумер, Миср, Хитой, Ҳинд тамаддунининг бебаҳо кашфиётлари ҳамда халқ оғзаки, ёзма ижодий меросининг сара асарлари ўрин олган. Оламшумул шуҳратга эга бўлган Шумер халқ эпоси — “**Гилгамеш ҳақида дoston**” илк бор ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилди.

“**Қадимги Шарқ инсоният цивилизациясининг бешиги**”, **деб бежиз эътироф этилмайди**. Чунки инсониятга маълум бўлган илк цивилизация Қадимги Шарқда — Қадимги Месопотамия, Миср, Эрон, Урта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой, яъни Уртаер ва Эгей денгизлари қирғоқларидан Тинч океанигача бўлган ерларда содир бўлган.

Қадимги Шарқнинг энг дастлабки ва сирли цивилизацияси Яқин Шарқда бўлиб, бу ерда қандай пайдо бўлгани ва қандай йўқолиб кетгани ҳақида ҳозиргача маълумот топилмаган **шумерлар** яшаган. Жаҳон илм-фани, динлари, маданияти, адабиёти тарихида шумерларнинг ўрни жуда катта. Бу цивилизация ўз даври учун бошқа халқлардан шу даражада ўзиб кетгани, Яқин Шарқ, Уртаер денгизи хавзаси, Фарбий Европа худудидagi халқлар тараққиёти шумер маданияти таъсири остида шаклланган.

Шумерлар ўз даври учун энг аниқ ҳисобланган математика ва астрономияга асос солганлар. Инсоният ҳозир ҳам фойдаланиб келаётган йилни фаслларга, ўн икки ойга, ўн икки буржга бўлиш, бурчакни, дақиқа ва секундни олтимшига бўлиб ўлчаш ҳам шумерлар кашфиётидир. Дунё олимлари қўллаб юлдузларни ва бошқа осмон jismlарини юнон ва араб тилларига таржима қилиниб, шу тиллар орқали бизгача етиб келган шумерча номлар билан атайдилар. Астрономия билан бирга пайдо бўлган ва минг йиллар давомида инсон тафаккурида ўз таъсирини йўқотмаган астрологияни ҳам шумерлар кашф қилганлар. Энг қадимги политеизм — кўп худоликка асосланган динни ҳам шумерлар яратган.

Инсонни қомплик сари элтувчи тизимли ҳаракат, фан ва санъатни ўқитиш билан шуғулланган дастлабки мактаблар ҳам милoddан аввалги III минг йиллик бошларида Шумернинг Ур шаҳрида пайдо бўлган. Инсоният тарихидаги биринчи поэма — “**Олтин давр**”ни ҳам шумерлар яратган. Дастлабки торли мусика асбоблари — лира ва арфани, дори тайёрлаш, руҳий таъсир (гипноз) орқали даволаш билан ҳам дастлаб шумерлар шуғулланган ва бу илмини юқори даражада ривожлантирганлар. Тиббиётга оид энг қадимги китоб — дорилар рецептини ҳам шумерлар ёзган. Шунингдек, одил судлов ва қонунийлик принципини ҳам шумерлар ҳаётга жорий қилган.

Инсоният тарихида қўлоллик қархи, гилдирак, плуг, елканли кема, қурилишда равоқ ва гумбаз усуллари, мис ва бронза қуйиш, игна билан тикиш, михпарчин билан улаш, қавшарлаш, тош ҳайкал ясаш каби ихтироларнинг пайдо бўлиши шумерлар билан боғлиқ. Улар томонидан кашф қилинган мис ва ундан фойдаланиш инсониятнинг бронза даврига ўтишини бошлаб берган. Аммо инсоният цивилизациясига шумерлар қўшган энг катта ҳисса ёзувнинг кашф этилганидир. Умуман олганда, шумерлар қирққа яқин оламшумул кашфиёт қилганли, улар бугун ҳам инсоният хизматиди.

Шумер адабиётининг бадиий қиймати ниҳоятда юксакдир. У оссирияликлар ва бобилликлар томонидан тўлиқ ўзлаштириб олиниши орқали бизгача етиб келган. Етгилар, ҳурритлар ва канъонлар бу адабиёт намуналарини ўз тилларига таржима қилганлар. Якудий адабиётининг шакли ва мазмуниди, ҳатто юнон адабиётида ҳам шумер матнларининг кучли таъсири сезилиб туради. Олимлар томонидан шумер адабиётининг сопол ва тош тахтачаларга ёзилган масаллари. 9 та достони аниқланган. Уларнинг энг мукаммали Гилгамеш ҳақидаги достондир. Ушбу достон машҳур таржимон, марҳум Амир Файзулло томонидан ўзбек тилига ўғирлиди ва жамланманинг биринчи жилдига киритилди.

Шунингдек, биринчи жилддан Қадимги Миср, Хет адабиёти, Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон адабиёти намуналари жой олди. Бу адабиётлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, жуда қимматлидир. Сиз уларга киритилган шеърли ва насрий асарларни ўқир экансиз, бугун инсониятни ташвишга солган ва қалб туғёналарига сабаб бўлаётган воқеалиқлар, муҳаббат, садоқат, одамийлик, ҳақрамонлик, ватанини севиш ва уни ҳимоя қилиш, одам феълининг ноқислиги, адолатсизлик ва унга қарши норозилик туйғуларни бундан 5-6 минг йил аввал ҳам ҳеч қандай ўзгаришларсиз мавжуд бўлганига ғувоҳ бўласиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, “**Инсоният тафаккури жаҳоҳирлари**” нодир асарлар жамланмаси олимларимизнинг машаққатли ва шарафли меҳнатлари, молия идораларининг, жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси молиявий кўмағида халқимизга тўлиқ тортиқ этилади.

Шу кунларда жамланманинг иккинчи жилди — “Авесто” қайта ишланган, тўлдирилган ҳолда олимларимиз томонидан нашрга тайёрланмоқда. Буюк аждодларимиздан қолган бу нодир ёдгорлик жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўзига хос таъсир кўрсатган бебаҳо асардир.

Худди шунингдек, бир гуруҳ олимларимиз жамланманинг учинчи жилдини шакллантириш устида иш олиб бораптилар. Ушбу жилдга милoddан олдинги биринчи минг йилликда илм-фан соҳасида жаҳонда яратилган энг сара асарлар, кашфиётлар киритилипти. Жумладан, Шарқ ва Европа, Ҳинд, Хитой ва бошқа минтақаларда ушбу даврда яратилган юксак тафаккур маҳсули намуналари жамланиб, сараланиб, нашр қилинади.

Нодир асарлар тўплами мамлакатимиздаги ҳар бир ҳонадоннинг китоб жавонидан жой олса, нур устига нур бўлар эди. Инсоният илм хазинасининг энг сара, буюк асарлари фарздодларимиз кўп узатса етадиган жавонларда бўлиши Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда катта имкониятлар эшигини очади.



учраб турибди. Айрим ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари одамларнинг асосли норозилиқларига ҳам сабаб бўлаётган ҳолатлар бор. Биз бундай ҳолатларнинг барчасини чуқур ўрганиб, текширувлар ўтказамиз ва, албатта, айбдорларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилади.

Сафимизни бундай ходимлардан тозалаш ва уларнинг ўрнини ватанпарвар, халқ осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қиладиган, садоқатли кадрлар билан тўлдириш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Келгусида ходимларда касбий билим ва амалий қўникмаларни шакллантириш, улар томонидан фуқароларга сифатли, профессионал хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида,

кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва малака ошириш борасида ҳам бутунлай янги тизим асосида иш ташкил этилади.

Жиноятчиликни жиловлash орқали халқимизни рози қилиш борасида масъулият ва шахсий жавобгарлиқни ҳис қилган ҳолда, фаолиятимизни тақомиллаштириб бориб, ходимларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштириш, ўз касбига виждонан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Президентимиз олдимизга қўйган барча вазифалар юртдошларимизнинг кундалик турмуши, тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу топшириқларнинг ихроси сўзсиз таъминланади. Фаолиятимизни, албатта, халқимиз кутган ва давлатимиз раҳбари талаб қилган даражага етказамиз.

БИЗНЕС-ОМБУДСМАН

АЙРИМ ҚОНУН БУЗИЛИШЛАРИ
СУД АРАЛАШУВИСИЗ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тадбиркор аслида ўз кунини ўзи кўрадиган халқ. Керак бўлса, атрофдагиларга ёрдам беради, яшаётган ҳудудини ривожлантиради, маҳалладошларини иш билан таъминлайди, давлатга солиқ тўлайди. Фойдаси бўлса борки, зарари йўқ. Фақат унинг фаолиятига ҳалал берадиган омиллар бўлмаса.

Ана шуни ҳисобга олиб, ҳукумат томонидан бизнес эгалари учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, улар фаолиятига тўқинлик қилаётган омилларни камайтириш, аралашувларни йўқ қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарорлигида тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшгани айтилиб, шунинг учун уларнинг барчасига елкадош бўлиб, доимо қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш — барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этаётгани ҳам танқид остига олинди. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат бериш таклиф этилди.

Дарҳақиқат, пандемия даврида тадбиркорлар томонидан эҳтиёжманд аҳолига сезиларли даражада моддий кўмаклар кўрсатилганлиги ва иқтисодиётимиз барқарор ишлаши учун катта ҳисса қўшганлиги барчамиз гувоҳ бўлдик. Шу сабабли Мурожаатномада бизнес учун энг мақбул шароитларни яратишда тадбиркорлик соҳасидаги тизимли муаммоларни ҳал этиш йўналишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди.



Текширувларга мораторий узайтирилди

— Давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари юзасидан қарзлари бўйича ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисида тадбиркорлик субъектларининг Бизнес-омбудсманга мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан белгиланди, — дейди Бизнес-омбудсман Дилмурод Қосимов. — Мажбурий ижро бюросидан олинган маълумотларга қўра, ҳозирда 6392 нафар тадбиркорнинг 246 миллиард сўмликдан ортқ қарзи мавжуд. Бизнес-омбудсман томонидан ваколатли органлар билан амалга оширилган ишлар на-



тижасида жами 767 нафар тадбиркорнинг 332 миллиард сўм қарздорлиги, яъни 35 нафар тадбиркорнинг 1,8 миллиард сўм қарздорлиги бўлиб-бўлиб тўланишига, 732 нафар тадбиркорнинг 330,8 миллиард сўм қарздорлиги ижроси кечиктирилишига эришилди. Шу билан бирга, лицензиялаш соҳасининг тизимли муаммо ва камчиликларини бартараф этиш мақсадида 2020 йил 24 августда Президентимизнинг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Натижада 17 та лицензияланадиган фаолият йўналиши ва 14 турдаги рухсатнома хабардор қилиш тизимидан жой олди. Қарийб 68 та лицензияланадиган фаолият йўналиши ва 34 та рухсатнома бекор қилинди ёки муқобил шаклларга ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, илгари тадбиркорлик соҳасида 266 лицензияланадиган фаолият тури ва 140 та рухсат берувчи характердаги ҳужжатлар мавжуд эди.

2018 йилдан бошлаб, тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилинганлиги натижасида тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингга етди.

Ушбу кўрсаткичларга асосан, Президентимиз томонидан мораторий муддатини яна бир йилга узайтириш таклифи берилди. Мазкур чоралар орқали тадбиркорлик фаолиятини эркин олиб бориш ва назорат қилувчи органларнинг асосий аралашувини чеклаш назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқ соҳаси ислоҳ қилинади

Кўп ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши танимаслик, ўз ўрнида талаб қила олмаслик тадбиркорнинг оёғидан чалади. Ўзи ҳақиқини била туриб, исботлаб бера олмаслик айрим ишбилармонларнинг ҳуқуқий саводхонлиги яхши эмаслигидан келиб чиқади. Бу борада Бизнес-омбудсман тадбиркорларнинг қўлидан тутиб, керакли йўл-йўриқларни бериши лозим.

Маълумотларга қўра, 2020 йил давомида лицензиялаш соҳасида қўллаб-қўлланган қонунбузилишлар аниқланган. Улар бўйича жами 278 тасига Бизнес-омбудсман томонидан таъсир чоралари қўлланилган.

— Бу қонунбузилишлар орасида энг кўпи айнан лицензиялаш босқичида рўй беришини таъкидлаш зарур, — дейди Дилмурод Қосимов. — Ҳудуд кесимида айтадиган бўлсак, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг аксарияти Тошкент шаҳрида содир этилган. Ундан кейин Тошкент ва Наманган вилоятларида бу кўрсаткичлар баландлиги аниқланди ва шу ҳудудлардаги тадбиркорларга ёрдам берилди. Мулк дахлсизлигини таъминлаш борасидаги шикоятлар ҳам етарлича. 2020 йилнинг ўзида Бизнес-омбудсман томонидан жами 224 та таъсир чоралари қўлланилган бўлса, шундан 98 та иш юзасидан даъво аризаси, 78 тасига тақдирнома, 21 тасига ҳулоса ва 27 тасига оғохлантиришлар жўнатилди. Таъсир чоралари қўлланилиши натижасида, тадбиркорларга 3 973 квадрат метрга тенг ер майдони ажратилди ва 25,3 миллиард сўм миқдорда компенсация тариқасида ундириб берилди. Мисол учун, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи “Mega evrostroy” МЧЖ манфаатида судга киритган даъво ариза асосида жамиятга тегишли бўлган ҳамда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилган бино-иншоот учун 1,3 миллиард сўмлик компенсация тўловини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Янги ваколат нима беради?

Илгари тадбиркорлик субъектларига тегишли мулк ҳуқуқлари бузилганлиги учун судлар томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган эди. Бизнес-омбудсманнинг зиммасида эса маъмурий жаримага тортиш ваколати мавжуд эмасди.

— Эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200⁻ ва 241⁻ моддаларига асосан, ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши, ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг

қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга қўй бўлмаган миқдорда зарар етказилишига олиб келса, — мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилишини назарда тутувчи нормалар киритилди, — дейди Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бош инспектори Шерзод Саидов. — Кўп бўлмаган миқдор деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади. Бу ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қўлланилган маъмурий жазонинг таъсирчанлигини оширади ва ҳуқуқбузарлик



давомий содир этилишининг олдини олади. Эндиликда бу каби қонунбузилишлар юзасидан тўғридан-тўғри, суд аралашувисиз, маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи Бизнес-омбудсман томонидан кўриб чиқилиши Президентимиз Мурожаатномасида ўз аксини топди.

Пандемия даври барча фуқаролар қаторида тадбиркорларга ҳам кучли зарба бўлди: айримларининг иши тўхтаб қолди, баъзилари ишчилар сонини қисқатиришга мажбур бўлди. Бундай қийин вазиятда халқимизга хос бағрикенглик ва ўзгалар дардига бефарқ бўлмаслик каби жиҳатлар Бизнес-омбудсман фаолиятида ҳам сезилди. Хусусан, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган қарийб 150 минг нафар яқка тартибдаги тадбиркорга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг 12 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилади. Юқоридаги чоралар тадбиркорлар пандемия даврида ўз фаолиятини тўхтатмаслиги ва иш уринларини сақлаб қолишига қаратилган бўлиб, улар фаолияти иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланганлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, ушбу ташкилотга берилаётган янги ваколатлар тадбиркорларга кўмак беришда янги имкониятлар эшигини очишдан далолат беради.

ЖАРАЁН

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ аниқ ва тизимли йўлга қўйилади



Маҳмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Давлат статистика қўмитаси раиси
ўринбосари, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар муайян вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечимини ҳамда иқтисодий суръатларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг қўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор

2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айни пайтда қизгин тайёргарлик кўрилкоқда.

Унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъи назар, бирдек манфаатдоримиз. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони (2021 йил 1 январь ҳолатига қўра, республика аҳолиси 34 558,9 минг кишини ташкил этган), фуқаролиги, никоҳ ҳолати қўра, яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй ҳўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Нега 10 йилда бир марта?

Дунёда аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор эраимиздан аввалги 3800 йилларда бо-билликлар томонидан ўтказилганига тарихий ишоралар бор. Ҳар 6 ёки 7 йилда ўтказилган бундай тадбирларда аҳоли ва чора сони, мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ҳисобга олингани ҳақида тарихий манбаларда айрим маълумотлар сақланиб қолган.

Қадимги Миср, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония, Вавилон ва Юнонистон давлатларида эса аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари солиқ тўловчилар ва ҳарбий хизматга яроқли аҳоли сонини билиш мақсадида ўтказилган. Шунингдек, шаҳарлардаги ерлар ва ҳўжаликлар, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ҳамда улар билан бирга аҳолини статистик ҳисобга олишнинг турли шакллари мавжуд бўлган.

Аҳолини мунтазам рўйхатга олиш тарихи 1790 йилга бориб тақалади. Ушанда АҚШда, 1801 йилда эса бир вақтинч ўзида Англия, Шотландия, Франция, Дания ва Норвегияда шундай тадбирлар ўтказилган. Бироқ улар ҳали мукамал бўлмагани ҳолда узоқ вақт давомида аниқ бир вақтга боғлиқ бўлмаган, белгиланган қоидаларга амал қилинмаган тарзда олиб борилган.

1846 йилда йирик статист олим Адольф Кетле (1796-1874) бошчилигида Бельгияда

ўтказилган шундай тадбир биринчи чинакам илмий рўйхатга олиш дея эътироф этилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, рўйхатга олиш муддати бир кунлик бўлиб, ҳақиқатда мавжуд аҳоли ҳисобга олинган. Мазкур тажрибадан кейинчалик Европанинг кўплаб давлатлари фойдаланган. 1870-1879 йилларда дунё бўйича атиги 48 та давлатда ташкил этилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири XX аср охирига келиб, деярли барча мамлакатларда ўтказилган.

Бугунги кунда БМТ дунё мамлакатларини ҳар 10 йилда камида бир маротаба ўз аҳолисини рўйхатга олишга даъват этади. Шу сабабли аксарият давлатларда бу тадбир тавсия этилган вақт оралиғида бир маротаба уюштирилади. Хўш, нега айнан 10 йилда бир марта? Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало, бу вақт ичда жамиятда салмоқли ўзгаришлар рўй беради. Аввалги рўйхатга олиш усуллари самарадорлиги сезиларли даражада камайиши сабабли сўрономалар мазмунига тузатишлар, маълумотларни тўллаш ва қайта ишлаш усулларига замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгартришлар киритиш талаб этилади.

2015 йилда БМТнинг “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюцияси қабул қилиниб, 2020 йил раундида старт берилган эди. Бу жараён 2015 йилдан 2025 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳам ўз аҳолисини рўйхатга олишни режалаштирган давлатлар қаторидан жой олди. Бироқ короновирус пандемиясининг жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши кўплаб ҳолатлар сингарли аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Аксарият мамлакатларда тадбир муддати ўзгартрилди.

Юртимизда ҳам 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган бу жараён 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунларига қўчирилди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур қарор билан 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжабод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманлари, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.



Фуқароларда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати таъсир этиш имконияти вужудга келади

Аҳолини рўйхатга олиш, аввало, давлат ёки ҳукумат эмас, балки жамиятнинг ўзи учун зарур бўлиб, у вақти-вақти билан ўз-ўзини кўзгуда кўриш орқали ривожланиш натижаларини баҳолаш имкониятидир. Унда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлари мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Мисол учун, ишсизларнинг сўровномадаги жавоблари меҳнат бозорини ўрганиш ва айнан керакли жойда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари ва шу каби даргоҳлар қурилиши режаларини тузишда қўл келади. Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқадиганлар сони, уларнинг нафақа тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бориш имконини беради. Мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Янаш жойи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар биримизнинг уйимизгача келадиган йўللар қурилиши, коммуникациялар билан таъминлашни режалаштириш учун зарур.

Мамлакатимизда синов тариқасида жорий йилдан бошланган аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2023 йилда ўтказиладиган асосий тадбирга тайёргарликнинг муҳим босқичидир. Мазкур амалиёт услубий, техник ва ташкилий масалаларни қайта кўриб чиқиш имконини бергани боис, унда қанча кўп респондент (аҳоли) қатнашса, шунча кўп камчиликларни аниқлаш ва тузатишга шароит туғилади, тадбирнинг сифатли ва самарали ўтказилиши таъминланади.

Бу ишларни бажариш мақсадида жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, жараёнлар аниқ ва тизимли йўлга қўйилади. Рўйхатга олувчилар ишини мувофиқлаштириш учун ҳар бир участкада 1 нафар инструктор ва 1 нафар стационар рўйхатга олувчи фаолият юритади. Улар ишини рўйхатга олиш участкаси ходимлари назорат қилади.

Янаб турган хонадонда (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар инструкторлик участкасида фаолият юритувчи стационар рўйхатга олувчи ходимларга мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Туман ва шаҳар миқёсидаги ишларни назорат қилиш учун ҳудудларда аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари фаолиятини йўлга қўйилади. Жараён якунига етганидан сўнг ҳудудий статистика бошқармалари ҳузурида аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини электрон базага киритиш марказлари ташкил этилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу тадбирлар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўплашга эришамиз. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизнинг кейинги демографик ва ижтимоий сиёсатини белгилаш билан бирга, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ҳамда дастурларини тузишда кенг қўлланилади.

Мамлакатдаги иш берувчилар ҳақида рўйхатга олиш натижасида шакллантириладиган маълумотлар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўл очади. Бизнес вакиллари рўйхатга олиш маълумотлари орқали меҳнат ҳамда истеъмол бозорининг ҳолатини баҳолаш, талаб ва таклифлар эҳтиёжини аниқлаш имконига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли тўғрисида тўпланадиган маълумотлар барча соҳаларни ривожлантириб, жаҳон майдонида янги Ўзбекистоннинг янги ҳақиқасини акс эттирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

ОЛАМШУМУЛ ЯНГИЛИК

БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА УЧТА МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ



Яқинда пойтахтимиздаги “American Hospital” ҚК МЧЖ клиникасида 74 ёшли беморга 3 турдаги хасталик (ички уйқу артериясининг торайиши, аортал клапан стенози, коронар томирлар торайиши) ташхиси қўйилиб, Ўзбекистонда илк мартаба бир вақтнинг ўзида ўша учта касаллик бўйича мураккаб жарроҳлик операцияси амалга оширилди.

Тиббиёт фанлари доктори, “Шухрат” медали соҳиби Рустам Ёрбеков айни пайтда фаолиятини юртимизда давом эттириб, энг мураккаб жарроҳлик операцияларини, хусусан, аорта коронар шунтлаш, юрак клапанларини алмаштириш, юрак тугма ва орттирилган порого каби амалиётларни муваффақиятли ўтказиб келмоқда.

— 1996-2003 йилларда Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаб, Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида магистратура йўналишида тахсилни давом эттирдим, — дейди Рустам Ёрбеков. — Очиги, ўша пайтларда кардиожарроҳлик у қадр ривожланмаганди. Юрак соҳасидаги амалиётлар кам ўтказиларди. Ижтимоий тармоқлар орқали Европа мамлакатлари тиббиёти билан танишдим ва шуни англаб етдимки, дунё миқёсида кардиожарроҳлик соҳаси жадал ривожланмоқда. Айниқса, очик юракда ўтказилаётган операциялар, тугма ва орттирилган мураккаб юрак хасталикларини даволашдаги замонавий усулларга қизиқиб қолдим. Янгилар билан яқиндан танишарканман, қизиқишим мени Москва шаҳридаги тиббиёт марказига етаклади. Ушбу марказда сунъий қон айланиши билан очик юракда йилгига беш мингдан ортиқ операция ўтказиб келинади.

2006 йил Москва тиббиёт ўқув юрти аспирантурасига танлов асосида ўқишга кирдим. Шу даврдан бошлаб, амалий фаолият билан биргаликда илмий иш устида изландим. Ўша пайтларда хориж тажрибасини эгаллаб, ўзга юртларда инсонлар ҳаётини сақлаб қолардигу, ўз юртдошларимизга қандай нафимиз теги, деган ўй тинчлик бермасди. Ниҳоят, Москванинг юрак қон-томир жарроҳлиги марказидаги бир гуруҳ шифокорлар, реаниматолог ва анестезиологлар билан биргаликда Тошкентга қайтдик. 2017 йилнинг январь ойидан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган кардиожарроҳлик марказида, айни дамда “American Hospital” ҚК МЧЖ клиникасида ишляпмиз.

Тўғриси айтсам, Ўзбекистонга қайтишдан аввал юртимизда юрак жарроҳлиги қандай аҳволда, замонавий операциялар учун шарт-шароитлар етарлими, энг муҳими, тиббиёт ходимларининг тайёргарлиги қай даражада экан, деган саволлар мени ўйлантирди. Негаки, бизнинг олдимизга замонавий техника қурилмалари ёрдамида мураккаб юрак операцияларини амалга ошириш вазифаси қўйилган эди. Қай бир ишнинг бошини тутманг, унинг натижаси меҳнатингиз, изланишингиз ва режалаш иш юритишингизга боғлиқ бўлади. Мана, бушунг иштишларимиз самараси ўлароқ, оруз-ниятларимиз рўёбга кўзга ташланяпти. Масалан, кунги кеча клиникамизда 74 ёшли беморга 3 турдаги хасталик ташхиси қўйилиб, бир вақтнинг ўзида учта мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказилди. Илгарилари бундай мураккаб жарроҳлик операцияси учун, яъни ҳар бир касаллик йўналиши бўйича алоҳида мутахассислар жалб этиларди. Шу билан бирга, ҳар бир операция вақти алоҳида кунларда ўтказилиб, жуда узоқ вақтни талаб қиларди. Эндиликда юртимизда бундай мураккаб жарроҳлик операцияларини уч-тўрт йўналишдаги мутахассислардан иборат гуруҳ томонидан бир вақтнинг ўзида бажариляпти. Эътиборлиси, бу каби мураккаб операциялар, ривожланган мамлакатларда ҳам барча имкониятларга эга клиникаларда амалга оширилади

Биз кечаги операциямиз натижасини халқаро миқёсда кўрсатишни режалаштириб турибмиз. Негаки, бу дунё давлатларида Ўзбекистон тиббиёти ҳақида ижобий таъсавуур уйғотди.

Бугун Ўзбекистонда юрак операциясининг барча турлари амалга ошириляпти. Бундай жараёнга бошқа давлатлар 20-30 йиллар мобайнида тайёрланган. Биз эса бу босқични тез ва муваффақиятли удаладиқ. Хайратланарлиси, кейинги йилларда Сирдарё ва Сурхондарёдан ташқари деярли барча вилоятларда кардиожарроҳлик марказлари очилди. Шунинг ўзи халқимиз учун жуда катта имконият ва ютуқдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизга келтирилган сўнгги тиббий аппаратларнинг айримлари, ҳатто

мамлакатлар, Ўрта Осиёда эса биринчи бўлиб бизда қўлланилган энг самарали усулдир. Шу пайтгача дунё бўйлаб юрак операциялари тўш суяги орқали 20-22 сантиметр кесма билан бажарилган бўлса, “MICSAB” усулида қовурғалар орасидан 6-8 сантиметр кесма билан амалга ошириш мумкин. Қолаверса, олдинги операциялардан сўнг бемор 3 ойгача қимирламай ётар, ҳатто қаттиқроқ йўталиши ҳам мумкин эмасди. Янги усулда эса операциядан сўнг бемор бемалол суянади, ногиронлик ҳолатини деярли кечирмайди, яра битишига қараб, эртасигаёқ юриб кетади. Шу кунгача ушбу операцияни бошидан кечирган беморларнинг аҳоли яхши, ҳеч қандай асоратлар қузатилмади. Демак, операциялар беморлар дардига малҳам бўляпти. Бироқ яна бир хавотирли ҳолат, юрак хасталиги билан мурожаат қилганлар сони кескин ошиб борапти. Тўғрироғи, хасталик йил сайин ёшаряпти. Шу кунларда ҳам қўллаб одамлар юрак хасталигидан шикоят қилмоқда. Уларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида ҳар кун 3-4 та операция бажарилмоқда. Эътирофлиси, биздаги операциядан кейинги асоратлар Европанинг ривожланган давлатлари билан тенг, яъни 2-4 фоизни ташкил этади.

— Дунёдаги хавфли касалликлар рўйхатида юрак қон-томир касалликлари олдинги ўринда туради. Негача бу касаллик кўрсаткичи ошяпти? Касаллик ёшариб боришининг сабаби нима?

— Амалиётдан маълумки, аслида кекса ёшдаги кишилар юрак хасталиги билан кўп мурожаат қилади. Яқинда 84 ёшли беморни ҳам операция қилгандик. Демокчиманки, бемор ёши қанча катта бўлгани сайин асорат хавфи баланд бўлади. Бу табиий ҳол. Бироқ ҳаёт ширин, улар ҳам яшашни истаиди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам операцияларни ўтказишга мажбурмиз. Кези келганда айтиш мумкинки, Европа мамлакатларида, Японияда, Россияда юрак хасталигига чалинганларнинг аксарияти 80 ёшлар атрофидаги кишилардан иборат. Лекин уларнинг юрак қон-томирлари атероск-

тарзига риоя қилса, саломатлик деган энг бебаҳо бойлигини қадрига етган, уни асраган бўлади.

— Инсонга меҳнати маҳсулини кўриш роҳат бағишлайди. Аммо масъулият юкини кўтариш, ютуқлардан ҳузурланиш ҳам осон кечмайди. Шундай эмасми?

— Тўғри, бунга биргина мисол келтираман. Кеча кардиожарроҳликни бошидан кечирган беморимизнинг операциядан кейинги ҳолати, шукрки, қониқарли. Мана бугун ўзига келди, уйғонди. Ўтириб, туриб ҳаракатлар қияпти. Беморда ҳеч қандай юрак, бош мия, коронар томирлар етишмовчилиги қузатилмади. Ишонаманки, хасталик асоратлари бўлмайди. Бу беморда операциядан олдин 3 та хасталик бўлган. Бундай ҳолатда биз биргина операцияни қилиб, иккитасини кейинга суриб қўя олмадик. Масалан, мияни биринчи навбатда операция қиладиган бўлсак, юракда инфаркт ёки ўткир юрак етишмовчилиги бўлиши мумкин. Бўйиндаги томирларни ташлаб кетиб, юракдаги клапанларни операция қиладиган бўлсак, операция пайтида инсулт олиб қолиш эҳтимоли бор эди. Шунинг учун 3 та операцияни биргаликда олиб бордик, муҳими, операция муваффақиятли ўтди. Мана шуни ҳис қилмоқ — масъулият. Бизни қувонтиргани эса натижа!

Сўхбатимиз давомида қаҳрамонимизнинг кўзларида ишонч ва яна қандайдир қайғуришни кўрдик. Унга навбатдаги операция вақти бўлганидан хабар келгач, сўхбатни тўхтатишга мажбур бўлдик. Аммо ҳар бир ишда ҳикмат бор. Кечагина операциядан чиққан отахонни кўриб, ҳолидан хабар олиш ниятида бемор ётган хонага кирдик. Ўта замонавий тиббий усуллар билан жиҳозланган хона бироз чўчитди, лекин монитор экраниданги уриб турган юрак тасвири ва каравотда ётган бемор табассуми бу ҳадикни енгиб ўтди.

— Узоқ йиллар мобайнида юрак хасталиги билан курашдим, — дейди тошкентлик Йўлдош ота Нурмухаммедов. — Фарзандларим шахримиздаги 4-5 та шифохонага олиб бориб даволатди. Лекин натижа бермади. Тан бердим, истеъдодли шифокор экан. Сизда 3 та кардиожарроҳлик операциясини ўтказамиз, деганларида жуда кўриб кетдим. Токи, операциядан кейин кўзимни очганимча, бу кўркүв мени тарк этмади.

Юқорида мақоламиз қаҳрамони таъкидлаганидек, операцияларнинг кўп жиҳатдан муваффақияти яратилган шарт-шароитга ҳам боғлиқ. Шу боис, шифо масканида аҳолига яратилган қулайликлардан беҳад мамнуният туйиб, клиника раҳбарияти ҳузурига ошқидик. Бизни билим ва салоҳияти чехрасидан намоен бўлиб турган, ўзини шифохона директори, дея таништирган ёшгина йигит қарши олди.

— “American Hospital” ҚК МЧЖ клиникаси 2019 йилда хорижий инвестициялар асосида ҳамкорликда ташкил қилинган, — дейди клиника директори Сарвар Жуманиязов. — Бу шифо масканини ташкил этиш учун инвесторлар ҳамда маҳаллий ҳамкорлар томонидан 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилган. Ҳозирги кунда бу ерда юрак жарроҳлигининг 2 та асосий йўналиши, яъни юрак жарроҳлиги ва интервенцион кардиология бўйича фаолият олиб бориляпти. Бундан ташқари, поликлиника ва функционал диагностика йўлга қўйилган. Клиникада 2 та жонлантириш бўлими бор. 36 та юқори малакали кардиолог ва юрак жарроҳлиги врачлари, шунингдек, эндокринолог, невропатолог ва рентгенолог фаолият юритади. Бундан ташқари, клиника АҚШ, Франция, Россия ва Осиё мамлакатларидан олиб келинган замонавий тиббий усуллар билан жиҳозланган ҳамда йилгига 600 га яқин стентлаш амалиёти ва 300 дан ортиқ очик юрак жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш имкониятига эга. Ҳозирги кунда мамлакатимизда хусусий шифохоналарга яратилган солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланган ҳолда, шифохонамизни янада кенгайтириш ҳамда тиббий хизматлар турларини ва сифатини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, шифо масканидан чиқар эканмиз, кўрган таассуротларимиздан юрагимиз негадир энтикарди. Хаёлимизда эса бир ҳис — шукроналик. Жўшқин ҳаётимизда юракларга дармон улашаётган ўз ишининг фидойиларига ортиқча таърифнинг ҳожати йўқ. Зеро, юрагимиз ҳаммаша юртга, оилага, ҳаётга муҳаббат ва садоқат руҳида бир зум тўхтамай уриб тураверсин.

**Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

СПОРТ ВА ТУРИЗМ



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чимён қишлоғи сари борар экансиз, йўл бўйи манзарасидан кўз қувнаб, дил яйрайди. Қишлоқ ўртасида “Ёшлар оромгоҳи” дам олиш мажмуаси жойлашган. Шу ерда 12-14 февраль кунлари анъанавий “Чимён-ЭХО — 2021” эко-сайёҳлик ҳамда “Чимён экстрим — 2021” қишки экстремал спорт турлари фестивали бўлиб ўтди.

ҲАР БИР ҚАДАМ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ҲАМОҲАНГ, ВАҚТ САЛОМАТЛИК ФОЙДАСИГА ИШЛАЙДИ

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган тадбирда ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ҳамда йirik қорхона-ташкilotларнинг спорт тарғиботчилари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Улар баскетбол, волейбол, бадминтон ва мини-футбол бўйича жамоавий ҳамда яккалик бахсларда дўстона беллашди.

Бу галги фестивал спорт тарғиботчилари учун мўлжаллангани иштирокилар таркибидан ҳам маълум. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тартиб

ўзaro тажриба алмашиниб, иш юритиш механизми юзасидан тушунчалар берилди.

Тоғдаги ҳар бир қадам спорт, соғлом турмуш тарзига ҳамоҳанг ташланади, вақт саломатлик фойдасига ишлайди. Тадбир иштирокичилари уч кун шу қайфиятни сезиб яшади.

“Ёшлар оромгоҳи”дан 5-6 километр тепароқда тоғ олма дор йўли ва чангида учиш учун табиий қор йўли бор.

Фестивалнинг охири кунда шу ерда тоғ чангиси ва сноуборд бўйича ҳам мусобақалар ўтказилди. Бунинг учун маҳаллий аҳоли орасидан иқтидорли ёш спортчилар саралаб олинган экан.

Мусобақада 7 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Ўнлаб ёш чанчиларнинг байроғимизни ҳилпиратиб, чўққидан елиб келишини кўриб, фахрланасиз.



этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан жорий йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкilotларда соғлом турмуш тарзи, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида спортга қизиқиши бўлган қўшимча вазифасини юклаш белгиланган эди.

Ҳозирда улар меҳнат жамоаларида иш бошлаган. Бу янги тизим. Шу боис, Чимёндаги тадбир доирасида спорт тарғиботчилари учун семинар-тренинглр ўтказилди.

**Улуғбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



“Тарбияда танаффус бўлмайди”, деган чуқур маъноли гапни кўп такрорлаймиз. Лекин, афсуски, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қойдага амал қилинмаяпти. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла тизимининг ҳар бири алоҳида иш олиб бораётгани, яъни, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунлиkning йўқлиги ишимизнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, унда ҳар бир масъул идоранинг вазифаси ва биргаликда амалга оширадиган чора-тадбирларини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАФКУРАСИ: ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТАНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ИЛДИЗИМИЗ БИР, ЭРТАМИЗ БИР



Мунаввара УСМОНОВА,
“Саодат” журнали бош муҳаррири

Бу тушунча дунёнинг барча халқларида мавжуд. Фақат уларнинг номи, мезонлари, талқини ҳар хил бўлади. Бу тушунча тараққиётга куч бағишлайдиган манба, ҳаётни янгилайдиган омил, инсонларни олижаноб мақсадлар атрофида бириштирадиган қудратдир. Агар унинг таърифу тавсифини бошқа давом эттирмасак ҳам гап маънавий ҳақида бораётгани сўзсиз англашилади.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир...” Мамлакатимиз Президентининг жорий йил январь ойида ўтказган видеоселектор йиғилишида айтган мазкур фикрлари бугун юртимизнинг барча шахару қишлоқларида, ҳар бир хонадон, ҳар бир қалбда акс-садо бераётир. Чунки маънавият инсондан ташқарида юз берадиган ҳодиса эмас. Унинг ботинида кенчадиган қувончу ташвишлар, ўрганиш, ўзлаштиришлар, ҳувосалар жамлан-масидир. Яна шунчи ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, маънавият бир жойда туриб, қотиб қолмайди. Техника тараққийлаётган ютуқлари, жа-ҳон интеллектуал ҳазинасидаги билимлар (Бу билимларнинг салмоқли қисми бизнинг аллома аждодларимизга тегишли эканлигини қайд қилиб ўтмасак, адолатдан бўлмайди) билан бойиб, давр шамолларида кемтилган бўшлиқларини тўлдириб боради.

Маънавият уммонлариға сув тутадиган яна бир дарё борки, биз унинг номини қадрият, дея эъзозлаймиз. Халқнинг орасида яралиб, минг-минг йиллар давомида яна шу халқнинг ўзи то-монидан сайқалланиб келаётган бу меросимиз қалбимизга яқин, тушунарли. Шунинг учун ундан иборат олишмиз, унга эргашимиз у қадар қий-ин кечмайди. Юртбошимиз ҳам юқорида зикр этилган тарихий анжуманда бу фикрни алоҳи-да бир ишонч, самимият билан таъкидладилар: “Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафку-раси эзгулик, одаимийлик, гуманизм ғояси бў-лади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тар-биясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадрият-ларига асосланган”.

Мазкур “ҳаётий тушунча”, “қадриятлар” каби сўз ва иборалар бугун чинакам ҳақиқат эканлиги ойдинлашмоқда, ҳар биримиз учун ҳар доимги-дан ҳам қура заруриятга айланмоқда.

Бир вақтлар Марҳамат тумани ҳокимлигида хо-тин-қизлар масалалари бўйича фаолият юритар эдим. Чекка қишлоқларнинг бирида вояга етмаган тўрт нафар бола ота-онасиз қолганини эшитиб, дарҳол йўлга отландик. Бизни маҳалла оқсоқоли қаршол олди. Қиш-қировли кунлар, ҳахотдади ҳов-ли бурчагига солинган омонатгина қулба. Хона ичи нимқоронни... Танча атрофида ўтирган болалар бизни қўриб акасининг пинжига сўқилди. 11-12 ёш-лар чамасидики болакай бизга салом бергач:

— Овора бўлиб кепсизлар, барибир, детдомга бормаймиз. Укаларимга ўзим қарайман! — деди вужуди титраб, қўзларида ёш билан.

— Биз сизларни олиб кетгани эмас, хабар олган-ки келдик, ўғлим! — дедим болаларнинг аҳволига юрагим ачиб. Утириб суҳбатлашдик. Муҳаммад-жон худди катта одамлардай фикрларди:

— Охириги кунларда аягонимнинг дарди куча-йиб жуда қийналди. Бизни эшитмасин, деб юзини

ёшиққа босиб инграб ётарди. Барибир, кўзимни юмиб ётганим билан ухлолмасдим. Уша куни тун-да аямнинг азоб чекаётганига чидаб туролмай, қўшни маҳаллада яшайдиган дўхтир хопанинг уйигача югуриб бордим. Дарвозаси олдида анча турди қолдим. “Совуқ ўтиб кетади-ку, ярим тунда нега қор босиб оёқ яланг келдинг, болам”, — де-ганида оёғимга пойабзал киймаганимни билдим. Муолажадан сўнг бироз жони тинчигач, аям мен-га шундай гапларни айтди: “Муҳаммаджон! Сени худога, укаларингни сенга омонат топшираман, болажоним! Катта бола бўлиб қолдинг, сенга ишо-наман. Адабиётдан яхши ўқийсан-ку? Эслагин, Бобур Мирзо сенинг ёшингда юрта пошшо бўл-ган. Ушанда отаси қўқисдан оламдан ўтганди-а? Ойла деган мамлакатни энди сен бошқарасан. Пошшо болам менинг... Мучал тўйи қилиб, янги либослар кийиб тенглари билан ўйнаб-қулиш ўр-нига... Биз холанг иккимиз умр бўйи армон билан яшадик. Отам урушдан қайтмади, онам ёш олам-дан ўтиб кетгач, бировларнинг эшигида хизмат қилиб қўриб улгайдик. Бир тишлам нонни миннат-сиз емадик. Кўп қийинчиликларни, хорлик-зорлик-ни кўрдик. Бировнинг қасрида яшагандан кўра, ўзининг хараба қулбонг бўлгани яхши. Очин-тў-қин, меҳрга зор юрган пайтларнинг асорати мана энди таъсирини ўтказиб, ётиб қолдим. Яхши за-мон, яхши одамлар орасида қаддимизни тиклаб, ҳузур қилиб яшаймиз, деганда... Болам, сизлар учун Худо умр бериб юзга кирсайдим... Барча оруз-умидларимни сенга қолдираман. Уйнинг тўртта бурчаги, тўрт томонимдаги қўрғонларим, деб ярим жоним билан тўртвинини дунёга кел-тирдим. Укаларингнинг тўрт тарафга тарқаб кети-шига йўл қўйма, болам! Қийналсанг ҳам бировга берма, белингни маҳкам бойла. Пахса девор бўл-саям, меҳнат қилиб тикланган шу кўримсиз уй — даддан ва мендан мерос. Ҳар қандай кунда ҳам ўз уйингни сотма...”

Аямнинг охириги сўзлари шу бўлди. Мен ўзим оиламизни онам айтганидек, бутунича ушлаб қо-ламан...

Олтинчи синфда ўқийдиган боланинг гаплари юрагимизни ларзага солди.

— Хавотир олмаглар, — деди оқсоқол.

— Биз маърақа кўчи маҳалла аҳли билан кен-гашиб олдик. Қассоб укамиз гўшт-ёғидан, новвой Олимжон нондан хабардор бўлади. Ҳар куни маҳалладан бир аёл навбати билан болалар-нинг ош-овқатини пишириб, бирга тунаб қолади. Маҳалламиз катта: шу мураккабли оқ ювиб, оқ тараб, тарбия қилиб улғайтириш қўлимиздан ке-лади!

Бу гаплардан кейин мен ҳам, унда мени ҳам навбатга ёзиб қўйинлар, дейишдан ўзимни тиёл-мадим. Болалардан тез-тез хабар олиб турганимиз учун уларга қадрдон бўлиб қолдим. Муҳаммад-жондан кичиклари тўққиз, етти, уч ёшда эди. Ай-никса, болаларнинг кенжаси — кўнғироқ сочли Маликага ўз боламдай меҳрим тушганди. Бир гал Муҳаммаджондан орзулари ҳақида сўрадим.

— Менинг энг биринчи ниятим, катта бўлиб пул топсам, ситир сотиб оламан! — деди катта-лардай вазминлик билан.

— Сут-қатиқи яхши кўрасанми?

— Аяжоним касал бўлганда дўхтирлар ҳар куни сут-қатиқ ичиб турсангиз, дардингиз энгил-лашади, деганди. Мен ҳали у, ҳали бу қўшининг уйига сут-қатиқ сўраб борардим. Уша пайтларда аям бошимни силаб: “Хўлимиз катта, сен ёнимга кириб қолдинг, терак қўчталаримиз етилса, янги уй соламиз, томорқага деҳқончилик қилиб пул йи-ғиб, ўзимиз ситир сотиб оламиз. Тўйиб сут-қатиқ ичамиз, қаймоқ ҳам еймиз”, дерди.

Титраб-титраб йиғлаётган болакайни нима деб юпатишни билмасдим...

— Мурувватли кишилар кўп, ўғлим, қолаверса, раис бува сизларга ўз боласидай меҳр кўрсатапти. Сигирини-ку, олаимиз, аммо ёғингарчиликда қаерда сақлайсан, нима едириб боқасан, ким соғайди? — дедим.

— Ўртоқларим билан гувала қилиб, ғишт қуяман. Тераклар катта бўлиб қолди. Баҳора-га чиқиб молхона кураимиз, сингилларим катта бўлгунча ўзим соғавераман, — деди болакай қўзлари чакнаб.

Қунар илигач, синфдош дўстларини дарс-дан кейин ёнига олиб, гувала қилиб ҳара-катта тушиб қолган болани қўриб, маҳалла аҳли ҳам хашарга бел боғлади. Қозиқча ситир бойланган куни эса хонадонда байрам бўлиб кетди. Муҳаммаджон онасига берган ваъда-сининг устидан чиқди. Укаларига ҳам оталик, ҳам оналик вазифасини бажарди. Етимлик тўнини кийдирмади, сағирликда юзларини сарғайтирмади. Болаликдан ҳалол меҳнатдан

нон топишни ўрганди. Укаси Муроджонни нов-войга, Мухлисани тикувчи аёлга шоғирдликка берди. Ука ва сингилларини ҳам касб-хунарга йўналтирди. Нураган уйлар ўрнига янги имо-рат тикланди. Аҳил маҳалланинг асл фарзан-дига айланиб, эл орасида обрў топди. У мур-ғак ёшиданоқ оиласи учун мустаҳкам қўрғон бўлди. Узилмас арқон, бузилмас онт бўлди. Бир оиланинг мустаҳкамлиги учун эътиқоди собит болақайдан тортиб, бутун қишлоқ, ма-ҳалла ҳаракат қилди. Оқибатда бир хонадон тўзимади, тўқилмади.

Мана, маънавият деган қимматбаҳо узукка ярашиб турган олмос кўз. Мана, ҳавасларга ло-йиқ, одамларни ўзига эргаштира оладиган қад-риятларимиз.

Агар ҳар биримиз хотирамиз сандикларини силкитсак, бундай ибратлар жуфт-жуфтан чиқиб келаверади.

Бугун маънавиятимизга соя тушираётган иллат-лар ҳақида сўз очилса, кўпроқ одамларимизнинг аксарияти хаё, ибо каби миллатимиз учун сифат белгисидай бўлган тушунчалардан узоқлашиб қол-ганлигидан афсусланамиз. Албатта, бу фазилатлар қизларимизнинг ҳам ботиний либослари бўлмоғи шарт. У бўлмаса, аёл ботини худди либоссиз бир қўринишга келиб, қараган кўзда ё нафрат, ё жирқа-ниш, ё шармсизлик уйғотишини унутмаслик керак. Лекин назаримизда, ор-номус учун оилаларимиз-даги эр кишиларимиз ўзларини жавобгар ҳис қи-лишлари зарур. Ахир қайси хонадоннинг отаси, ака-укаларининг номуси қучли бўлса, ўша хонадондан ёмонотлиқ аёл чиқмайди-ку. Келинг, гапим исботи билан бўлсин: юқори синфда ўқирдим. Физикадан масала ечаётсам, акам ёрдамга келди. Китобим-нинг ичидан бир хат тушди. Акамнинг қизариб, бўзариб кетганилини қўриб, хатинг мазмунини сал-пал англагандек бўлдим. Аммо акам менга ҳеч нарсаси демади. Туни билан тиканда ётгандек тўлға-ниб чиқдим. Мен тарафдан бу хатга асос бўладиган бирор сабаб бўлмаса-да, ич-этимни едим. Эрталаб дастурхон бошида акам бу хатдан сўз очса, дадам, қолган акаларим олдида тушадиган ҳолатимни ўй-лаб, совуқ тер босарди. Йўқ, яна жимлик... Фақат акам эрталаб мактабга отланаётганимда, “Тўхта, сен бугундан бошлаб, мактабга биз билан бирга бо-риб, бирга қайтасан”, — деди. Индамай акамга эр-гашдим. Орадан анча вақт ўтди. Ноябрнинг бошла-рида бирдан катта қор ёғиб берди. Акамга изма-из кетиб борардим. Йўлнинг ёқасидаги чинорларнинг шохлари қорларни қўтара олмай, қарсиллаб синар, симёғочлар устига тушар, улардан чарсиллаб олов сачарди. Ваҳимага тушиб бораётсам, акам қўлла-римдан тутди. Қўзларимга қараб:

— Қўрдингни, сингилм, бевақт ёққан қор шун-дай мустаҳкам чинорнинг шохини синдириб, қад-динги букди. Сингиллар қордек пок бўлмаса, чи-нордек акаларнинг ормини синдиради, — деди. Бу қиёс, бу овоз қулоғимга бир умрга ўрнашиб қолди. Ўзлари ёнимда бўлмаган пайтларда ҳам бу овоз менга ҳимоя, паноҳ эканлигини ҳис қилиб турар-дим. Ўзимни, ҳатто, ўша овоз олдида ҳам жавоб-гар ҳис қилганман. Бизнингча, ҳаётда тиниб-тин-чиб кетган, оиласи, жамиятда ўзининг муносиб ўрни бўлган аёллар қадамлаган йўллارда шунга ўхшаган мисоллар, албатта, топилади.

Мен нима учун сатрма-сатр эргашиб келаётган ўқувчиларимизни ҳадеб воқеалар ичига олиб ки-ришга ҳаракат қилганман? Ҳазрат Навоийнинг бир пурхикма даъватлари бор:

**Ўз вужудиниға тафаккур айлагил,
Ҳар не истасанг, ўзингидин истасил...**

Ҳазрат айтганларидай, биз ҳам керагимизни ўз ичимиздан излашимиз зарур. Излашимиз, ис-ташимиз ҳеч қачон бекор кетмайди. Албатта, эс-тиёжимизни топамиз. Бугунги эҳтиёжларимиздан бири ҳалоллик эканлигини ҳис биламиз. Чунки маънавиятни тозартаришадиган, поклайдиган унсу-р айнан ҳалолликдир.

Биз катта мақсадлар сари интилаётган халқ-миз. Президентимиз қалбларимизда Учинчи Ренессанс бразусини уйғотди. Энди бу мақсад, бу уйғонш олдин зинҳор орқага қайтмаймиз. Олдимизда эса узун, шарафли, машаққатли йўл турибди. Бу йўлнинг маёқлари, машъал-лари эса маънавиятдан ёғдулранди. Бу ёғду-рини бир неча қадрдон, ҳароратли тополари ўзимизда, қадриятларимизда. Ўз ўзларидан узоқлашган эл томчи-томчи бўлиб қуриган де-низга ўшаб йўлқилка кетганидай, ўз ўзларига қаянлашган халқ тўрт тарафидан дарёлар қуюлган уммондай тўлиб бераверади. Мен қўниб-сўниб айтмоқчи бўлганим шу... Ас-лида, сизнинг дилингизда ҳам шу хаёл... Ахир бир осмон остида, бир ерининг устида яшаймиз, илдишимиз бир, эртаимиз бир.

Зиёда АКБАРҚУЛОВА, Республика маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси

“Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга”, дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий масалаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, янги Ўзбе-кистоннинг мафқураси эзгулик, одаимийлик, гу-манизм ғояси бўлиши, халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асос-ланган фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси ҳақида алоҳида тўхтади.

Дарҳақиқат, миллий ғоя тамойиллари асоси-да маънавий ҳамфирқили тараққиётда асосий роль ўйнайди. Тўмариснинг халқпарварлиги, юрт наси сифатида қўлига қилич олиб, жанг майдонига киргани уни жасорат титмосига ай-лантирди. Бибиҳоним давлат ишларидан таш-қари темурий шахзодалар тарбияси билан шу-ғулланишга алоҳида меҳр ва вақт ажратгани тарихдан маълум. Малика шахзодалар онгига давлат бошқаруви ҳамда маърифатпарварлик-ни, илмга меҳр-мухаббатни, халқпарварлиқни сингирди. Биргина Мирзо Улуғбекнинг шоҳ ва фан арбоби сифатида бекиёс ютуқларга эриш-гани бунга мисол бўла олади. Қўпчилигимизнинг севилими ҳаҳрамонимизга айланиб қолган Ошин, Тағтемпалар меҳнаткаш, матонатли, илғор, изла-нувчан, инсонпарварлиги билан нафақат япон ёки корейс, балки бошқа кўплаб халқлар қалби-дан жой олган.

Жаҳон отин Увайсийнинг маҳалладаги кат-таю кичик, бою фақирни ажратмай, ёш авлод-га таълим-тарбия беришдек хайриги ишларни амалга оширган Амир Умархондек раҳнамога ва Нодирабегимдек зукко аёлга сабоқ бўлгани, шубҳасиз. Бизнинг улкан ютуғимиз ана шун-дай дунё таниган давлат ва жамоат арбоблари, маънавият даргаларининг авлодлари эканлимиз, улардан билки мерос бўлиб қолган улкан интел-лектуал мулкдир.

Бугун пойдевор қўйилаётган Учинчи Ренес-санс даврида узоқ ва яқин ўтмишда ашаб ўтган аждодларимиз орузсидида маънавият макта-бини яратиш учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз фарздор. Бунинг учун биздан улар амалга оширган эзгу ишларни ўрганиш ва ўз-лаштириш талаб қилинади.

Бу йил Алишер Навоийнинг 580 йиллигини мамлакатимиз ва халқро микёсда кенг нишон-лаш доирасида улуғ давлат арбоби, мутафак-кир шоир хотирасини янада абдийлаштириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оши-рилиши белгиланган. Таълим-тарбия соҳаси-даги ўзвийлиқни таъминлаш долзарб масалала айланган бугунги кунда Темирбеклар мактаби, Президент мактаблари, танкили ижодкорлари-миз номидида ижод мактаблари алоҳида аҳа-мият касб этади. Жорий йилда Алишер Навоий номидида ижод мактаби ташкил этилиши, шун-ингдек, ҳазрат асарларининг барча таълим муассасаларида кенг қамровда ўқитилиши ре-жалаштирилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар нафақат улуғ алломаларимиз маънавияти сарнамала-ридан баҳраманд бўлиш, балки уларнинг тафак-кури замирида ёш авлод маънавий тарбияси-нинг шакллантириш имконини беради.

Жаҳидчиллик ҳаракати раҳнамоларидан бири, моҳир педагог Абдулла Авлоний 15 ёши-дан бошлаб ўзи ёган шеърларида, публицистик асарларида халқни саводли қилиш ҳақида бонг уради. Оммавий ахборот воситалари маъна-виятни шакллантириш ва ривожлантиришдаги энг зарур қурол эканини англаган ҳолда газета-лар чоп этади. Тўқинчиқлар тўфайли газета-лари ёпилган Авлоний ортага қайтмайди, театр труппасини ташкил этади. Маърифатпарвар

бобомиз ўзи саҳна асарлари ёзади, ёзган пьеса-лари маънавий бирлашувга, маърифатпарвар-ликка қорлаши билан бирга, ўз даврининг турли иллатларини қўзғу мисол халққа кўрсата олади.

Авлоний жамғарган маблагларини мактаблар очишга сарфлайди, дарсликлар яратади. “Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат мас-саласидур”, деб таъкидлайди маърифатпарвар бобомиз. Авлоний таълим-тарбия узвийлигини халқона қилиб таърифлайди: “Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди би-рига бойланган жон ила тан қабиदур”.

Дарҳақиқат, маърифатпарвар боболаримиз халқ саводхонлигини ошириш, маънавий юксак-ликка эришишни орзу қилишган. Бугунги мус-тақиллик даври, барча шарт-шароитларга эга таълим муассасалари, юртимизда амалга оши-рилаётган улкан ислохотлар, уларнинг замири-да ётган халқпарварлик, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари шахдам ташланаётган қадамлар аждодларимиз шууридида маънавият мактабининг мустаҳкам пойдеворидир, деб ай-тиш мумкин.

Тараққиёт сари очилаётган имкониятлар эшигидан инсон онгини эгаллаш, қалбига чуқур кириб бориш ниятида ҳаракатланаётган ай-рим салбий қучлар ҳам унумли фойдаланишга уриниш. Шу сабабли янги Ўзбекистонни барпо этиш бизни ҳар қачонгидан ҳам ҳушёрликка, ҳар қачонгидан ҳам огоҳликка чақиради.

Кечагидек ёдимда, Ўзбекистон Миллий уни-верситетида ўқиб юрган кезларимизда устозимиз, ректоримиз академик Тўрабек Доломов тала-балар билан ўтказган учрашувда танбур чалиб берган. Геолог олим, катта бир университет раҳ-барининг меҳр билан танбур чертиши биз, тала-балар онгига устоз ҳақида янги бир тасаввур уй-ғотганди. “Қўпчилигингиз ота-онангиздан узоқда, мусофир шаҳарда илм оламан деб қўрибсизлар, аввало, олдингизга буюк бир мақсадни қўйиб, ўша мақсад сари олға интилинг. Бўш вақтингиз-да бирон-бир хунарни эгалланг, ҳеч бўлмаганда бир чолғу асосбини қилишни ўрганинг. Муסיқага ошно қалбдан ёмонлик чиқмайди. Бўш вақтда фойдали иш қилсангиз, ҳам фойда топасиз, ҳам турли иллатлардан узоқ бўласиз”, деб қилган насихати қўлогимизга танбур нолалари каби сингиб қолган.

Бинобарин, буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганганимизда, ҳар бир даврда яшаган аждодларимиз, давлат ва жа-моат арбоби бўладими, ижодкор бўладими, меҳнаткашлиги, интилувчанлиги, серкирра илмларга эғалиги билан улкан марраларни забт этган, шу билан бирга, ўзлари эриш-ган чўққилардан настга эмас, янада юқорига боққанлар.

Қўллаб хорижий давлатларда бўлган ма-ҳалладошим: “Арабистонлиқлар турт фаслда турт хил рангда жиполанадиган Ўзбекистонни жаннатга ўхшатишади. Ўзбекистонлиқларни икки дунё саодатидан, яъни икки жаннатдан баҳраманд халқ деб билишади”, деганди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон қуёшида топланган, ҳавосидан нафас олган, зилол суварлардан мириқиб ичган инсон ё олим, ё фозил, энг ка-мида шoirтабиат бўлади. Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўзлигини, қудратини қурдирган иморатларига менгзайди. Асрлар мобайни-да кўк билан бўйлашиб, бир неча юз йиллар билан беллашиб келаётган иморатлар, мад-расао миоралар нафақат иншоот сифатида, балки буюк аждодларимиз маънавиятининг инъикоси, маданиятининг юксак чўққиси, ин-сониятнинг гўзал бир сийрати сифатида қад кўтариб турибди. Халқимизда ҳар нарсанинг кўпи унинг баҳосини арзонлаштириб юбора-ди, деган қараш бор, аммо билим, тажриба, маънавият ортгани сайин унинг қадр-қиммати юксалаверади. Аждодларимизнинг улмас ме-росларини ўрганиш, улар яратган маънавият мактабларидан баҳраманд бўлиш, улар иста-ганидек таълим-тарбия мактабларини давом эттириш нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон майдонида ўз қарашларига эга бўлган Имом Бухорийларни, ат-Термизийларни, Амир Те-мурларни, Алишер Навоийларни етиштириб беради.